

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ФАРФОНА ПЕШҚАДАМ БҮЛИШИ КЕРАК

Қишлоқ хұжалигидан Президенттің белгилаб берған вазифалар асосыда унумдорлық ва манбаатдорлық ошмоқда. Құштепа тұманида бўлиб ўтган күргазмали семинарда бу яна бир бор таъкидланиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга семинарда иштирок этиб, пахта терими олдидан ғұза майдонларини дефолиациялаш ишларини амалга ошириш, жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш, шунингдек, очиқ майдонларга ва ғұза қатор ораларига ғалла экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш масалаларига эътибор қаратди.

Тадбирда вилоят қишлоқ хұжалиги соҳаси масъуллари, туманлар секторлари раҳбарлари, пахта-тұқымачилик ва ғаллачилик кластерлари раҳбарлари, фермерлар ҳамда дахлдор мутасаддилар, нуронийлар иштирок этдилар.

Дастлаб, нуронийлар дәхқончиликка, етиштирилган ҳосилга қут-барака тилаб, дуолар қилинди.

Тумандаги "Солижонобод Маҳмуд" ММТП ҳудудидаги "Global Textile Solutions" МЧЖ пахта-тұқымачилик кластерида бўлиб ўтган тадбирда юқори ҳосилдор чигит ва қишлоқ хұжалиги әқинлари уруғлари, кимёвий ўғитлар намуналари, техникалардан иборат қишлоқ хұжалиги күргазмаси кўздан кечирилди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қишлоқ хұжалиги соҳасида ҳосилдорлик йилдан йилга ошаётгани, Фарғонада бу борада катта тажриба мактаби яратилғанligини таъкидлаб, эндиликда юқори унумли техникаларни жорий этиш муҳимлиги хусусида тұхталди. Пахта йиғим-теримига киришиш олдидағы сұнгги агротехник тадбирларни тұғри амалга ошириш мўл ҳосил гарови бўлишига эътибор қаратиб, ғұза майдонларини дефолиациялашни ғўзанинг биологик етилғанлигига қараб ўз муддатида ва сифатли ўтказиш, қўлланиладиган дефолиантларни тұғри танлаш бўйича кластер раҳбарларига ўз тавсияларини берди. Кластерлар ва фермер хўжаликларида пахта териш машиналарини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоятимизда бу йил илк бор мавсумда 65 та пахта терадиган машиналар иштирок этади. Эътиборлиси, унинг 50 таси Фарғонада йиғиладиган Хитойнинг "Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co. Ltd" компаниясининг, 10 таси "John Deere" ва бошқа пахта териш машиналаридир. Хайрулло Бозоров семинарда келгуси уч йилда вилоятимизда пахта терими тўлиқ механизациялашини маълум қилди.

Шу билан бирга мавсумда отрядларни шакллантириш, теримчи ва ҳашарчиларга етарли шарт-шароит яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари Алибек Турсунов 2024 йилда вилоятда 76 минг гектар майдонда ғұза парвариш қилиниб, ушбу майдонлардан 289 минг тонна пахта хом ашёси етиштириш режалаштирилғанлигини қайд этиб, бунинг учун туманлардаги 12 та пахта-тұқымачилик кластерлари билан мавсум давомида амалга оширилган ишлар, вилоятда пахта йиғим теримига тайёргарлик жараёнлари, кутилаётган пахта ҳосилдорлиги, кластерлар фаолиятини такомиллаштириш, дефолиациялаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан ўз фикрларини билдириди.

Келгуси йил ҳосили учун 94 минг 300 гектар майдонга бошоқли дон экиш белгиланган. Бунинг учун зарур техникалар шай қилинди. Бу йил илк бор учта ғаллачилик кластерида уруғлик дон етиштириш йўлга қўйилди.

Семинарда очиқ майдонларга ва ғұза қатор ораларига ғалла экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, экин майдонларини ўғитлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам келишиб олинди.

Вилоят ҳокими ва нуронийлар "Аслбек файз барака диёр" фермер хўжалигининг дала майдонда эзгу ниятлар билан ғалла экиш ишларини бошлаб берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда күзатынг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-21 19:24:16